

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5120100 – 3.03

2016 йил “9” 01



ЛЕКСИКОЛОГИЯ ВА СТИЛИСТИКА
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	- Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120 000	- Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5120100	- Филология ва тилларни ўқитиш (француз тили)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди

Тузувчилар:

- Отамуродова Д.А. - “Француз тили назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси;
- Бадалов Ф.А. - “Француз тили назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчиси.

Тақризчилар:

- Ёқубов Ж.А. - ЎзДЖТУ, “Француз тили назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, ф.ф.д., проф.;
- Ширинова Р.Ҳ. - ЎзМУ, “Француз филологияси” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Ушбу дастурда “Лексикология ва стилистика” фанининг мазмуни, предмети ва методи, лексикология ва стилистиканинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари, ушбу фаннинг илмий-назарий масалалари ва методлари билан боғлиқ муаммолар ҳақида маълумот берилади. “Лексикология ва стилистика” фанининг ушбу ўқув дастури чет тилларни ўқитишга қўйилган Давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилди.

Лексикология ва стилистика фанининг ушбу ўқув дастури чет тилларни ўқитишга қўйилган Давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилди.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

“Лексикология ва стилистика” фанининг асосий мақсади - талабаларга француз тили лингвистик стилистикаси ва лексикологияси, шунингдек, экспрессив фонетика, экспрессив семантика, экспрессив морфология, экспрессив синтаксис ва функционал стилистика тилнинг стилистик воситалари бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси уни ўрганувчиларга:

- лингвистик стилистика ва лексикологиянинг тарихи;
- илмий-назарий масалалари ва методлари;
- тилдаги стилистик ва лексик воситалар;
- уларнинг табиати ва ҳар хил функционал стилларда ишлатилиши;
- матннинг шаклан ва мазмунан тузилишини тўлиқ очиб бериш мақсадида турли матнларнинг стилистик тузилиши;
- француз тилининг стилистик ва лексик имкониятларини таржимонлик фаолияти жараёнида қўллашга ўргатишдан иборатдир.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Лексикология ва стилистика” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- фаннинг предмети, мақсад ва вазифалари;
- лексик ва стилистик қонун-қоидалар;
- лексикология ва стилистиканинг бошқа тилшунослик фанлари орасидаги ўрни, унинг грамматика, фонетика каби фанлар билан алоқаси;
- лексикография;
- сўз, унинг маъноси, вазифаси ва тушунча;
- янги сўзларнинг ясалиш йўллари;
- сўзларнинг ўз маъноларини ўзгартириш масалалари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- турли сўз ва сўз маъноларини фарқлай олиш ва уларни таснифлашни;
- тил ва нутқ бирликларини ўз маъноси ва кўчма маъноларда қўллашни;
- тил қонуниятларининг ички ва ташқи манбаларини стилистик мактаблар; унинг назарий масалалари;

- стилистик услубларнинг тилда ифодаланиши ва қўлланиши кабиларни **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- сўзларнинг структурал ва семантик хусусиятларини ҳамда уларни нутқда қўлланилиш усулларини тўғри аниқлаш;
- сўз ва унинг маъноларига оид назарий билимларни тилни амалий жиҳатдан ўрганиш ва баҳолаш;
- тил луғат таркиби ривожланишининг асосий тенденциялари тўғрисида тушунчаларга эга бўлиш;
- сўзларни структурал ва семантик жиҳатдан таснифлашга оид билимларни қўллаш;
- ижтимоий жаргонлар ва терминологияни таҳлил қилиш;
- француз тили луғатининг бойиш усуллари (интралингвистик, экстралингвистик) ҳақида **кўникмаларига эга бўлиши керак**;
- сўз ва тушунча бирлигини англаш;
- сўзларнинг мустақил ва ёрдамчи гуруҳларга ажрата олиш;
- назарий билимларни тадқиқ қилиш;
- турли хил луғатлардан тўғри фойдалана олиш;
- лексика ва стилистиканинг замон ва макон жиҳатдан фарқланиши ҳақида ўз нуқтаи назарини илмий асослаб бериш ва булардан амалий масалаларни ечишда фойдалана билиш;
- тил ҳодисаларини семантик таҳлил қилиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Лексикология ва стилистика” – умумкасбий ва асосий ихтисослик фани ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш учун талаба ўқув режасида режалаштирилган “Назарий грамматика”, “Назарий фонетика”, “Қиёсий типология”, “Таржима назарияси ва амалиёти” фанларидан билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Филология ва тилларни ўқитиш таълим йўналиши бўйича бакалавр тайёрлаш босқичининг ажралмас бўғини сифатида “Лексикология ва стилистика” умумкасбий ва ихтисослик фанлари қаторига киради, бу фан бўйича талабалар эгаллаган билим, кўникма ва малакалар уларнинг умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида педагогик фаолият кўрсатиш ва илмий изланишлар олиб боришда, шунингдек чет тилини амалий қўллашда ёрдам беради.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талаба “Лексикология ва стилистика” фани назарий курсини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот

коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳамда ишланмалар, таркатма ва электрон материаллардан фойдаланилади. Мазкур фан машғулотида аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида тақдиротлар ўтказиш, коммуникатив методнинг тармоқлари бўлган – лойиҳалаш, масофавий таълим, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳ мусобақалари, думалоқ стол, кластер, амалий иш ва дидактик ўйинлар, портфолио, кейс-стади усулларидан фойдаланиш, шунингдек, компьютер дастурларидан, интернет тизимларидан фойдаланиш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

“Лексикология ва стилистика” фанининг мазмуни, предмети ва методи

Фаннинг мазмуни. “Лексикология ва стилистика” фани, предмети ва вазифалари, тилнинг луғат таркиби ҳақидаги таълимот. Француз тили лексикологияси ва стилистикаси унинг бошқа лингвистик фанлар орасида тутган ўрни. Фаннинг фонетика, грамматика, тил тарихи билан алоқалари. Тарихий (диахрон) ва тасвирий (синхрон) лексикология ва уларнинг ўзаро муносабатлари. Экспрессив фонетика, экспрессив грамматика, экспрессив семантика, экспрессив типология ва кабилар тўғрисида маълумотлар.

Ҳозирги замон француз тили лексикологияси ва стилистикаси фанининг асосий масалалари: сўз ҳақида таълимот, луғат таркиби ривожланишининг асосий қонун-қоидалари ва йўллари: тарихий тизим сифатида луғат таркиби тавсифи. Тилнинг луғат таркибини ўрганишда қўлланилган умумий тилшуносликнинг айрим ҳолатлари (тил ва нутқ, тизим ва мезон). Тематик, лексик ва семантик гуруҳлар. Синтагматика ва парадигматика, сўз ва сўз муқобили (эквивалент), семасиология ва ономасиология. Сўз – тилнинг асосий қурилиш материали ва номинатив бирлиги сифатида. Сўз ва шакл муносабати. Сўзнинг грамматик ва лексик маънолари. Сўз функциялари. Сўзнинг лексик маъно турлари (диахронияда), сўзнинг ўз ва кўчма маънолари бош (асосий), ва иккинчи даражали маънолари. Фразеологик боғланган, синтактик аниқланган маънолари (синхронияда) сўзнинг этимологик маъноси, семантик асосланган ва асосланмаган маънолари. Асосланганлик даражаси ва турлари. Сўзнинг «икки шакли» ва унинг миллий характери. Халқ этимологияси.

Сўзнинг фонетик таснифи. Тил ва нутқда сўзнинг қисқа ва узунлик муносабатлари. Сўзнинг грамматик таснифи. Мустақил ва ёрдамчи сўзлар. Сўз туркумлари ва уларнинг лексик, грамматик таснифи. Сўз ва морфема ўртасидаги фарқлар. Сўзнинг фонетик, грамматик ва лексик вариантлари. Ҳозирги замон француз тили луғат таркибининг тавсифи, француз тили луғат таркибининг асосий қисмлари: ўз сўзлар фонди ва ўзлашма сўзлар. Француз тилида сўз яшашнинг лексик усуллари (ясама, қўшма, аналитик сўзлар ва бошқалар); Француз тили луғат таркибининг келиб чиқиши ва унинг бойиш йўллари. Кўп маъноли ва бир маънолилиқ. Сўзнинг лексик маъноси турлари.

Француз тили луғат таркибининг ривожланиш йўллари ва қонуниятлари

Мавжуд сўз маъноларининг ўзгариши. Янги сўзлар яшаш – француз тили луғат таркиби бойишининг ички манбаи. Бошқа тиллардан кириб келган ўзлаштирма сўзлар-луғат таркиби бойишининг ташқи манбаи. Метафора ва катакреза, метонимия ва синекдоха. Сўз маъноларининг торайиши ва кенгайиши, яхшиланиши ва ёмонлашуви. Гипербола, литота ва эвфемизмлар.

Янги сўз яшаш йўллари

Янги сўзлар ҳосил қилишнинг асосий йўллари. Янги сўзлар ҳосил қилишнинг лексикология ва грамматика (морфология) билан алоқадорлиги. Ҳозирги замон француз тилида морфологик қурилиш. Сўзларнинг содда ва мураккаб (қўшма), туб ва ясама сўзларга ажратилишининг тарихий шарт эканлиги. Ҳозирги замон француз тили сўз тизимини морфологик (морфема ва сўз ясовчи аффикслар) таҳлил қилиш. Янги сўзлар ҳосил қилишнинг лингвистик чегаралари. Янги сўзлар ҳосил қилишнинг морфологик усуллари. Сўз ҳосил қилишнинг синтактик-морфологик усуллари. Қўшма сўзларнинг ясалиши. Қўшма сўз ва сўз бирикмаларини ўзаро фарқлаш мезонлари. Қўшма сўзларнинг А.Дарместетер таснифи. Қўшма сўзларнинг грамматик таснифи. Конверсия – янги сўзлар яшашда бир сўзнинг бошқа лексик-грамматик категорияга ўтиши. Конверсия турлари: отлашиш, сифатлашиш ва равишлашиш. Лексикализация ва грамматикализация ҳодисалари конверсиянинг бир тури сифатида. Янги сўзлар ҳосил қилишнинг фонетик-морфологик усуллари. Сўзларни қисқартириш (аббревиация). Ономатопия – ҳозирги замон француз тилида ҳар хил товушларга тақлид қилиш усули билан янги сўзлар яшаш.

Турғун сўз бирикмалари

Сўз бирикмаларининг турлари: эркин ва турғун сўз бирикмалари. Турғун сўз бирикмалари – фразеология. Фразеология тушунчаси. Фразеологик бирикмаларнинг таснифи. Фразеологик синонимия.

Бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар

Француз тили луғат таркибининг бойиб, ривожланиб боришида бошқа тиллардан сўз ўзлаштиришнинг тарихий шартли жараён эканлиги ҳамда унинг экстралингвистик ва лингвистик сабаблари. Классик ўлик тиллар (лотин, қадимги грек)дан сўз ўзлаштириш. Роман (итальян, испан, португал) тилларидан сўз ўзлаштириш. Немис ва инглиз тилларидан сўз ўзлаштириш. Араб тилидан ўзлаштирилган сўзлар, шунингдек, рус тилидан кирган сўзлар. Ҳозирги замон француз тилида этимологик дублет сўзлар. Бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзларнинг француз тили луғат таркибига таъсири. Пуризм (бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлардан тозалаш) оқими. Ҳозирги француз тили луғат таркиби

тавсифи. Умумистеъмол лексикаси. Унинг турғунлик даражаси ва этимологик тавсифи. Умумистеъмол лексиканинг мерос фонд эканлиги. Миллий тил ва унинг шевалари. Миллий тилнинг умумхалқ характери. Шеваларнинг йўқолиб бориши. Шевалар ҳисобига миллий француз тилининг бойиши; лексиканинг ижтимоий фарқланиши. Ижтимоий шевалар (жаргонлар). Касб-хунар жаргонлари. Терминологик лексика (калька). Неологизмлар ва архаик сўзлар. Лексик ва семантик неологизмлар. Индивидуал – стилистик неологизм. Ҳозирги замон француз тилида эскирган сўзлар: тарихий эскирган сўзлар ва архаизмлар. Халқаро сўзлар ва сўзма-сўз таржима қилиб ўзлаштирилган лексика.

Сўзларнинг лексик-семантик қатламлари

Синонимлар. Синонимия муаммоси. Синонимия мезони, синонимик қатор тушунчаси. Мутлақ ва нисбий синонимлар. Синонимлар таснифи. Идеографик ва стилистик синонимлар. Омонимлар. Тўлиқ нисбий омонимлар. Лексик ва грамматик омонимлар. Омонимларнинг келиб чиқиш сабаблари, этимология, янги сўзлар яшаш, семантик (конверсия ва фонетик). Омонимларнинг шаклига кўра таснифлаши Омографлар – омофонлар. Антоним сўзлар. Антонимик муносабат турлари. Антонимларни шаклига кўра таснифлаш: логик (сўз) антонимлар ва морфологик антонимлар. Лексик майдон тушунчаси. Лексик семантик гуруҳлар. Паронимия, омография, омофония.

Француз лексикографияси асослари

Лексикография амалий лексикологиянинг бир бўлими сифатида. Француз лексикографияси тараққиётининг асосий даврлари. Ўта муҳим француз луғатларининг турлари ва уларнинг таснифи. Француз лексикографиясининг келиб чиқишидан бошлаб XIX ўрталаригача бўлган тарихи. Биринчи луғатлар. XVII аср луғати. Dictionnaire de l'Académie française норматив луғатнинг намунаси сифатида. Академия луғатларининг кейинги нашрлари. XVIII-XIX аср биринчи ярмининг энг машҳур лексикографик ишлари. XIX-XX асрлар француз лексикографияси. Изоҳли луғатлар. Э. Литтре луғати ва унинг аҳамияти. Замонавий изоҳли луғатлар: P.Robert. Dictionnaire alphabétique et analogique de la langue française. Энциклопедик луғатлар. Пьер Ларусс, унинг лексикографик ва нашриётчилик фаолияти. «XIX асрнинг Катта Универсал луғати». «Ларусс»нинг кейинги нашрлари. «XX асрнинг Ларусси». Этимологик луғат, аналогик луғат, синонимлар луғати, антонимлар луғати, терминологик луғат, фразеологик луғат, арго луғати ва бошқалар. Икки ва уч тиллик луғатлар.

Экспрессив фонетика

Ифоданинг акустик нуқтаи назардан акс этирилиши: аллитерация, ассонанс. Интонация тушунчаси, интонация таркиби: урғу (accent rythmique, logique, emphatique); товушларнинг сифат белгилари. Талаффуз услублари. Аллитерация. Ассонанс. Какафония. Француз тилида шеърятнинг тизим ва шакллари. Рифма. Ритм.

Экспрессив семантика

Луғавий мантиқ ва контекстуал мантиқ маъноларининг ўзаро боғлиқлигига асосланган стилистик функциялар. Лексик метафора. Аъъанавий ва оригинал метафора. Оддий ва ёйиқ метафора. Метонимия, унинг стилистик функциялари. Метонимия турлари. Синекдоха. Ирония ва уни тил тузилишининг турли даражаларида ифода этиш воситалари. Эпитет. Гипербола. Литота. Асосий ва ёрдамчи предмет-мантиқий маъноларининг ўзаро боғлиқлигига асосланган стилистик усуллар. Полисемиянинг ишлатилиши. Фразеологик бирикмалар, сентенция, аллюзия, цитаталарнинг стилистик ифодаланиши. Фразеологик бирикмаларнинг ажралиши. Тушунчанинг иккинчи даражали белгисини ажратишга асосланган стилистик усуллар. Эвфемизм. Қиёслаш. Ҳар хил стилистик тусга эга бўлган сўзларнинг қўшилиб кетишига асосланган стилистик усуллар.

Экспрессив морфология

Морфологик тизимнинг стилистик дифференцияси. Ҳозирги замон француз тилида отларнинг сондаги стилистик тавсифи. Артиклниги стилистик функцияси. Олмошнинг стилистик маънолари. Сифат позицияси стилистик ходиса сифатида. Француз тилида сифат даражаларининг стилистик жиҳатдан қўлланилиши. Сифатларнинг отлашуви. Феълларнинг замон ва модал шакллари, феълнинг бошқа ибораларга айланиш услублари, олмошларнинг айрим турлари. Сўз ясовчи воситаларнинг стилистик қўлланилиши: баҳолаш суффиксларининг кучайтириш ва инкор маъноли олд қўшимчалари.

Экспрессив синтаксис

Ўзига хос қўлланилишига асосланган синтактик-стилистик усуллар: такрорлаш, стилистик инверсия, параллелик конструкцияси, санаб ўтиш, градация, антитеза. Эмфаза, парентеза, парцеляция ва пунктуациялар экспрессив синтаксис элементлари сифатида. Сўзлашув нутқи ифодаланишининг характерли хусусиятларига асосланган синтактик-стилистик усуллари: эллипсис, плеоназм. Икки маънонинг бир пайтда амалга ошишига асосланган синтактик-стилистик усул: риторик савол.

Функционал стилистика

Функционал стилистика ҳақида тушунча. Функционал услуб таърифи. Услубларнинг дифференциал белгилари. Ҳозирги замон француз тили функционал услубларнинг тизими ва тавсифи. Ҳозирги замон француз тили китобий ҳамда сўзлашув функционал стилистикасининг тавсифи. Расмий услуб. Матн турлари, уларнинг жанрларда амалга ошиши. Расмий услуб элементларининг бадий адабиётда ишлатилиши. Илмий услуб ва унинг жанр турлари. Илмий-оммабоп усул ва унинг хусусияти. Илмий услуб

элементларининг бадий адабиётда ишлатилиши. Оммавий услуб. Публицистик услубнинг оғзаки ва ёзма шакллари. Газета-публицистиканинги жанр хусусиятлари. Нотиклик нутқи. Француз нотиклик нутқининг экспрессив даражаси. Радио ва телевидение орқали чиқишнинг хусусияти. Реклама тили. Реклама матнларининг психоллингвистик асослари. Сўзлашув услуги. Сўзлашув нутқи ва кундалик сўзлашув услуби. Канада, Бельгия, Швейцарияда сўзлашув нутқи талаффузи ва интонациясининг лексик ва грамматик белгилари. Диалог тавсифи. Ҳозирги замон француз тилидаги кундалик-сўзлашув услубининг стилистик турлари (нейтрал-сўзлашув, фамильяр сўзлашув). Француз тилида мурожаат. Адабий-бадий услуб. Бадий проза тили, драматургия асарларининг хусусияти. Поэтик нутқнинг стилистик белгилари.

Интерпретация ва бадий асар таҳлилининг асосий принциплари. Композиция матн қурилишининг расмий элементи сифатида. Матн компонентларининг ажратиш воситалари.

Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати

- “Стилистика ва матн таҳлили” фанининг мазмуни, предмети ва вазифалари.
- Ш.Балли стилистикаси.
- Стилистика сўзининг маъноси, унинг денотатив ва коннотатив маъноларга муносабати.
- Стилистик синонимлар: Конверсиянинг айрим кўринишларини стилистик мақсадларда қўлланилиши.
- Эпитет ва унинг турлари.
- Метафора ва унинг таснифлаш муаммолари.
- Метонимия ва унинг таснифлаш муаммолари.
- Морфологик воситаларнинг стилистик қўлланилиши.
- Синтаксис воситаларининг стилистик қўлланилиши.
- Фонетик воситаларнинг стилистик қўлланилиши.
- мантиқий ажратиш воситалари.
- Типологик воситаларнинг стилистик қўлланилиши.
- Стилистик шакл ва троплар ҳамда уларнинг таснифи (метафора, метонимия, синекдоха).
- Аллегория ва таққослаш.
- Гипербола, эфемизмлар, литот ва ирония (киноя).
- Ҳозирги замон француз тили лексикологияси курсининг асосий масалалари: сўз ҳақида таълимот, луғат таркиби ривожланишининг асосий қонун қоидалари ва йўллари.
- Тарихий тизим сифатида луғат таркиби, тавсифи, тилнинг луғат таркибини ўрганишда қўлланилган умумий тилшуносликнинг айрим ҳолатлари.
- Тематик, лексик ва семантик гуруҳлар.
- Синтагматика ва парадигматика, сўз ва сўз муқобили (эквивалент), семасиология ва онамасиология.

- Сўз тилнинг асосий қурилиш материали ва номинатив бирлиги сифатида. Сўз ва шакл муносабати.
- Сўзнинг грамматик ва лексик маънолари.
- Сўзнинг асосий ва кўчма маънолари.
- Фразеологик бирикмаларнинг маънолари, сўзнинг этимологик маънолари, семантик асосланган ва асосланмаган маънолари, асосланганлик даражаси ва турлари.
- Сўзнинг икки шакли ва унинг миллий характери. Халқ этимологияси. Сўзнинг фонетик тавсифи.
- Тил ва нутқ, сўзнинг қисқа ва узунлик муносабатлари.
- Сўзнинг грамматик таснифи. Мустақил ва ёрдамчи сўзлар.
- Сўз туркумлари ва уларнинг лексик, грамматик таснифи.
- Сўзларнинг ўхшашлик ва алоҳидалик масаласи.
- Сўз ва морфема ўртасидаги фарқлар.
- Сўзнинг фонетик, грамматик ва лексик вариантлари.

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Семинар машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Курс иши тасдиқланган ўқув режада кўзда тутилган таълим йўналишларида бажарилади.

“Лексикология ва стилистика” фанидан курс иши муаяйн мавзу бўйича умумий яхлитликка эга илмий-амалий фикрларни акс эттирувчи лойиҳавий иш ҳисобланади. Курс иши фанга доир масалаларни акс эттиришга мос келиши талаб этилади.

Курс иши мавзунинг долзарблиги ва эришилган натижаларнинг амалиётга тадбиқи, унинг услубий даражаси ҳамда расмийлаштирилишига қараб баҳоланади. Курс ишини бажаришнинг муҳим босқичи режада белгиланган саволлар ёритилишида ўзаро назарий ва амалий алоқадорликни таъминлашдир.

Курс ишининг таркибий тузилишини тўғри шакллантириш талабага унинг мақсади ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш ҳамда кўзланган натижага эришиш йўлларини, шунингдек, курс ишини тайёрлаш босқичларини кетма-кет бажаришга имкон яратади. Курс ишининг таркибий тузилишини тўғри ишлаб чиқилиши талабага изланишнинг олдига қўйилган мақсад ҳамда натижаларини аниқ ифодалаш, фикрларни мантиқий баён этиш услублари ва курс ишини тайёрлаш босқичларини ажратиш имконини беради.

Курс иши талабанинг салоҳияти ҳамда фан бўйича чуқур билим ва амалий кўникмага эгаллигини намоён қилади. Курс ишида ўрганиладиган масалаларнинг назарий жиҳатлари, аниқланган муаммоларини, қўйилган вазифаларни таҳлил қилиш ҳамда муаммоларни ҳал этишни кўзлаган ҳолда режа тузилади ва шу асосида бажарилади. Талаба курс иши бўйича изланиш натижаларини ёритишда фаннинг амалий ютуқларни умумлаштирган ҳолда белгиланган муаммоларнинг ечими юзасидан йўл-йўриқларни ишлаб чиқади ва уларни бартараф этиш йўлларини тавсия этади.

Курс ишини ҳимоя қилишга қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

- муаммони библиографик таҳлил қилиш;
- мавзу бўйича материаллар тўплаш;
- йиғилган материалларни муаян тизимга келтирилган ҳолда расмийлаштириш;
- тўпланган материалларни танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- таклиф ва тавсияларни асослаб бериш;
- фикрни кетма-кетликда, муаян изчилликда баён қилиш;
- курс ишини қўйилган талаблар бўйича расмийлаштириш.

Курс ишларининг намунавий мавзулари

- Le mot, la notion et la signification.
- Les causes de l'évolution du sens des mots, la restriction et l'extension du sens. La métonymie et la métaphore.
- Les causes extra-linguistiques. Les causes intra-linguistiques.
- Les euphémismes, litote et hyperbole.
- La restriction et l'extension du sens des mots.
- Métonymie et synecdoque.
- Métaphore et catachrise.
- Rôle des euphémismes, litotes et hyperboles dans la langue française.
- Entrecroisement des tropes dans la parole.
- La formation des mots.
- La suffixation. La suffixation en tant que moyen de formation des mots. Origine des suffixes. Suffixes nominaux. La suffixation dans la classe des adjectifs, des verbes et des adverbes.
- La substantivation et l'adjectivation. L'adverbialisations et le passage des mots autonomes aux mots outils.

- L'abréviation. La composition des mots.
- Les substantifs composés. Les adjectifs, les verbes et les adverbes composés.
- L'abréviation. La composition des mots. Les substantifs composés. Les adjectifs, les verbes et les adverbes composés.
- Les emprunts aux autres langues. Les causes de l'apparition de l'emprunt. Les emprunts au latin. Les emprunts au grec, à l'anglais.
- Les emprunts aux langues romaines et germaniques. Les types d'emprunts.
- Les causes de l'apparition de l'emprunt. Les emprunts au latin. Les emprunts au grec, à l'anglais. Les emprunts aux langues romaines et germaniques.
- Phraséologie. Le sens a le mot phraséologie. Classification sémantique : trois types essentiels.
- Locutions proverbiales. Particularités des locutions phraséologiques. La synonymie dans la phraséologie.
- Classification sémantique : trois types essentiels. Locutions proverbiales. Particularités des locutions phraséologiques. La synonymie dans la phraséologie.
- Les différenciations territoriales et locales du lexique français, la terminologie spéciale.
- Les trois principaux groupes de dialectes en France féodale.
- La formation de la langue française.
- Les différenciations à l'état actuel. L'argot. Jargons de profession. La terminologie.
- Шарл Баллининг стилистика фанига қўшган ҳиссаси.
- М. Крессо ва Ж. Марузо стилистикаси.
- Стилистика ва унинг турлари.
- Қиёслаш стилистик услуб сифатида.
- Қиёслаш ва унинг турлари.
- Метафора ва уни таснифлаш муаммолари
- Персонификация стилистик услуб сифатида.
- Анимализация стилистик услуб сифатида.
- Материализация стилистик услуб сифатида.
- Синонимлар стилистик услуб сифатида.
- Литота стилистик услуб сифатида.
- Антитеза ва Антифраза стилистик услуб сифатида.
- Рамз ва Аллегория стилистик услуб сифатида.
- Трубецкой фоностилистикаси.
- Талаффуз, аллитерация ва ассонанс стилистик услуб сифатида.
- Артикуляция ва Дикция стилистик услуб сифатида.
- Шеърӣ услублар стилистик услуб сифатида.
- Морфологик кўринишлар стилистик услуб сифатида.
- Синтактик кўринишлар стилистик услуб сифатида.
- Типологик кўринишлар стилистик услуб сифатида.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;
- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Француз тили луғат таркибининг ривожланиш йўллари ва қонуниятлари.
2. Янги сўз ясаш йўллари.
3. Турғун сўз бирикмалари.
4. Бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар.
5. Сўзларнинг лексик-семантик қатламлари.
6. Француз лексикографияси асослари.
7. Экспрессив фонетика.
8. Экспрессив семантика.
9. Экспрессив морфология.
10. Экспрессив синтаксис
11. Функционал стилистика.
12. Метафора ва уни таснифлаш муаммолари.
13. Метонимия ва уни таснифлаш муаммолари.
14. Эпитет стилистик услуб сифатида.
15. Персонификация стилистик услуб сифатида.
16. Анимализация стилистик услуб сифатида.
17. Материализация стилистик услуб сифатида.
18. Синонимлар стилистик услуб сифатида.
19. Литота стилистик услуб сифатида.

Дастурнинг информацион – услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- замонавий аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида маърузаларни ўқиш;
- семинар машғулотлари ақлий ҳужум, танқидий фикрлаш, тарози, бумеранг, диалог, полилог каби интерфаол усуллардан фойдаланиш;
- кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликлари ва илғор педагогик технологияларни қўллаш назарда тутилади.

Бундан ташқари тизимли ёндашув асосида талабаларнинг ўқиш – билиш фаолиятини тасвирлайдиган таълим жараёнининг лойиҳаси тузиб чиқилади. Таълим мақсади реал, аниқ диагностик бўлишига эришилади ва талабанинг билими, ўзлаштириши сифат объектив баҳоланади. Таълим жараёнининг тузилиши ва мазмуни яхлитлигига эришилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Bally Ch. Traitі de stylistique franzaise. P. 1951.
2. Абдушукурова Л.А. Stylistique du franzais moderne. Ташкент, 2004.
3. Долинин К.А. Стилистика французского языка. Л. 1978
4. Лопатникова Н.Н. Лексикология современного французского языка. М., 1982.
5. Морен К.А. Тетеревникова Н.И. Стилистика современного французского языка М. 1970
6. Тимескова И.М., Гархова В.А. Лексикология современного французского языка. – Л., 1964.

Кўшимча адабиётлар:

1. Timeskova I.N. Essai de lexicologie du franzais moderne. – Lйningrad.1967.
2. Timeskova I.N. Exercices de lexicologie. Издательство Просвещение, - Ленинград. 1971.
3. Гак В. Г. Сопоставительная лексикология – Москва, 1977.
4. Потоцкая Н.П. Стилистика французского языка М.1974,
5. Хованская З.И. Стилистика французского языка М.1991,

Интернет сайтлари:

1. www.granddictionnaire.com
2. www.francophonnie.hacherre-livre.com
3. www.portail.lettres.net
4. www.citationsdumonde.com
5. www.pedagog.uz
6. www.Ziyonet.uz
7. www.edu.uz
8. www.nutq.intal.uz

